

Эй Аллоҳнинг Расули, икки вожиб қилувчи нима?

19:39 / 24.05.2017 4879

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига бир одам келиб:

«Эй Аллоҳнинг Расули, икки вожиб қилувчи нима?» деди.

«Ким Аллоҳга ҳеч нарсани ширк келтирмаган ҳолда ўлса, жаннатга кириши, ким Аллоҳга бирор нарсани ширк келтирган ҳолда ўлса, дўзахга кириши», дедилар».

Шарҳ: Бу ҳадиснинг ровийси Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу билан ҳам танишиб олайлик:

Жобир ибн Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ҳаром ал-Ансорий ас-Саламий, насаблари ансорларнинг ўртасидан бўлмиш Бану Саламадан. Оталари ва тоғалари билан «Ақаба» байъатининг иккинчисида бирга бўлганлар. Бу байъатда ансорлардан етмиш киши Набий алайҳиссаломнинг ғалаба қозонишларига ҳисса қўшиш ва Исломни бутун ер юзига ёйишга аҳд қилиб, байъат беришган. Бу зот Бадр ва Уҳуд жангларида ташқари, Расулуллоҳ алайҳиссалом қатнашган барча жангда қатнашганлар.

Жобир ибн Абдуллоҳ: «Набий алайҳиссалом билан ўн тўққизта жангда бирга бўлдим. Бадр билан Уҳуддагина отамнинг монеъликлари сабабли иштирок этмадим. Отам вафот этганларидан сўнг, бирорта жангда у зотнинг орқаларидан қолганим йўқ», дейдилар.

Жобир ибн Абдуллоҳ саҳобаларнинг ичида кўп ҳадис ривоят қилганларнинг олтинчиси бўлиб, 1540та ҳадис ривоят қилганлар.

Жобир ибн Абдуллоҳ Миср ва Шомга борганларида одамлар у кишидан кўп илм ўрганар эдилар. Шунингдек, Мадинаи Мунавварадаги Масжидун Набавийда ҳам илм ҳалқалари бўлиб, унда тўпланганлар у кишининг илм ва тақволаридан кўп нафланардилар.

Жобир ибн Абдуллоҳ 74-ҳижрий санада Мадинаи Мунавварада вафот этдилар. Жанозаларини Онзак шаҳрининг волийси Абон ибн Усмон

Ўқидилар.

Ушбу ҳадиси шарифда ҳам олдингилари каби, тавҳиднинг фазли, ўз эгасига берадиган улкан самараси ҳақида сўз кетмоқда. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бир одам келиб, икки вожиб қилувчи сифат ҳақида сўради.

«Эй Аллоҳнинг Расули, икки вожиб қилувчи нима?» деди.

Яъни, икки сифат бор экан. Улар икки нарсани вожиб қилар экан. Шу икки сифат бўлса, ортидан икки нарса келмаса бўлмас экан, ўша икки сифат қайси, демоқчи бўлди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қисқа ва қониқарли жавоб бердилар:

1. «Ким Аллоҳга ҳеч нарсани ширк келтирмаган ҳолида ўлса, жаннатга кириши» вожиб.

Биринчи сифат – муваҳҳид ҳолда, яъни Аллоҳга ҳеч нарсани ширк келтирмаган ҳолда ўлиш. Бу сифат жаннатга киришни вожиб қилади. Бунга эга бўлган одам жаннатга кирмай қолмайди. Гуноҳига яраша дўзахда ётгандан кейин бўлса ҳам, жаннатга киради.

2. «Ким Аллоҳга бирор нарсани ширк келтирган ҳолда ўлса, дўзахга кириши» вожиб.

Ундай одам дўзахга кирмай қолмас. Чунки Аллоҳ таоло Ўзига ширк келтиришни асло кечирмаслигини қатъий равишда таъкидлаган. Ушбу ҳадисдан тавҳиднинг – Аллоҳга ширк келтирмасликнинг қанчалар улуғ бахт эканини билиб олдик. Шунингдек, ширкнинг қанчалар бадбахтлик эканини ҳам англаб етдик. Шундай экан, муваҳҳид бўлайлик, мушрик бўлиб қолмайлик!